



Protected by PDF Ant Copy Free

201000, Romitan tumani, A.Temur ko'chasi, 44-uy

201000, Romitan, A.Temur street, 44

Tel: (+99865) 552-33-34

e-mail: i.romitan@sud.uz

Ўзбекистон Республикаси номидан  
Х А Л В Қ А Р О Р И

2022 йил

Ромитан тумани

4-2006-2201/ -сонли иш

Ромитан туманларaro иқтисодий судининг судьяси Х.Г.Абдуллаев раислигида, судья ёрдамчиси С.Тўраевнинг котиблигида, аризачининг (2022 йил 15 сентябрдаги 20/5-06926-сонли ишончнома билан) вакили иштирокида, аризачи – Ромитан туман давлат солиқ инспекциясининг, жавобгар – га нисбатан банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиш тўғрисидаги аризаси бўйича кўзғатилган иқтисодий ишни Ромитан туман давлат солиқ инспекцияси биносида, очик, сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**А Н И Қ Л А Д И :**

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 81-моддасида солиқ тўловчининг ҳар бир солиқ тури ёки тўланган даромадлар бўйича ҳисоб-китобларни ва солиқ декларацияларини, шунингдек ҳисоб-китобларга ҳамда солиқ декларацияларига доир иловаларни ўз ичига оладиган, солиқ тўловчиларнинг ва солиқ агентларининг солиқ мажбуриятларини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжатлари солиқ ҳисоботидир.

Солиқ ҳисоботи Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган шаклларда тузилади.

Солиқ ҳисоботи солиқ органларига шахс фақат солиқ тўловчи деб эътироф этиладиган солиқлар бўйича тақдим этилади.

Ушбу кодекснинг 111-моддаси учинчи қисмининг иккинчи бандига кўра, юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан мазкур солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органининг камерал солиқ текшируви натижалари бўйича талабномасига тушунтиришлар ва (ёки) тузатишлар белгиланган муддатда тақдим этилмаганда, шунингдек солиқ тўловчи томонидан солиқ органи талаб қилган ҳужжатлар тақдим этилмаганда қўлланилиши мумкин.

Аниқланишича, солиқ тўловчи сифатида давлат рўйхатидан ўтган солиқ органи томонидан ҳужжатларни тақдим этиш тўғрисида сўровномага жавоб бермаган.

Натижада, солиқ бошқармаси 2022 йилнинг 10 август куни 20/1-05372-сонли сўровномада кўрсатилган ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этиш бўйича хабарнома билан мурожаат қилган.

Жавобгар томонидан сўровномада кўрсатилган ҳужжатларни солиқ органига белгиланган муддатда тақдим этилмаганлиги оқибатида солиқ органи томонидан 2022 йилнинг 10 августидан 10 кунлик муддатда тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни 10 кунлик муддатда тўхтатиб туриш ҳақида қарор қабул қилинган ва тўловчининг шахсий кабинетига электрон тартиба юборилган.

Қарор ижроси бўйича ҳам суровномада кўрсатилган ҳужжатлар солиқ органига тақдим этилмаганлиги оқибатида, аризачи судга жавобгарга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораси қўллаш тўғрисида ариза билан мурожаат қилган.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи вакили арз қилинган талабни қўллаб-қувватлаб, уни тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар суд мажлиси муҳокамасида иштирок этмади, ариза юзасидан фикр билдирмади. Суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 170-моддасини қўллаб, ишни жавобгар вакили иштирокисиз кўришни лозим топади.

Суд, иш ҳужжатларини ўрганиб ва аризачи вакилининг тушунтиришларини эшитиб, қуйидаги асосларга кўра, аризачининг аризасини қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111-моддаси 1-қисмида солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкинлиги кўрсатилган.

Иш суд мажлисида кўрилаётган кунга қадар, жавобгар

томонидан ҳужжатлар тақдим этилмаган.

Ваҳоланки, Солиқ кодекси 138-моддасининг 11-қисмига мувофиқ, сўралган ҳужжатлар ва тушунтиришлар солиқ органига тегишли сўров олинган кундан эътиборан беш кун ичида тақдим этилиши керак.

Шунга асосан суд, жавобгарга нисбатан ҳисобот тақдим этгунга қадар банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиш туришни лозим топди.

Баён этилганларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176, 179-моддаларини қўллаб суд,

**қ а р о р   қ и л а д и :**

Арз қилинган талаб қаноатлантирилсин.

Жавобгар – \_\_\_\_\_нинг банклардаги ҳисобварақлар бўйича операциялари (бюджет тўловлари, иш ҳақи, нафақалар, шунингдек, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида соғлиқ ва ҳаётга етказилган зарарни қоплаш учун маблағлар бериш ҳоллари бундан

мустасно) жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ бўйича солиқ ҳисоботларини тақдим этиш орқали ҳуқуқбузарлик бартараф этилгунга қадар тўхтатиб турилсин.

Жавобгар [Redacted] нинг хизмат кўрсатувчи банкдаги ҳисоб-рақамлар бўйича операцияларни тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолат тўлиқ бартараф этилгандан сўнг, солиқ инспекцияси томонидан тақдим этиладиган ёрдам қарорига асосан ҳисобварақлари бўйича операциялар тиклансин.

Ҳал қилув қароридан нороз бўлган ҳар ўн кунлик муддат ичида шу суд орқали Бухоро вилоят судига апелляция тартибида шикоят беришга ёки прокурор протест келтиришга ҳақли.

**Судья**

**Х.Г.Абдуллаев**